



# РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ТУМАН (ШАҲАР)ЛАРИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



2021 йил 1 октябрдан:

**Манба:**

“Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори

@huquqiyaxborot



туман даражасидаги давлат органларининг юридик хизмат штат бирликлари тугатилиб, Адлия вазирлиги ҳузуридаги **Юридик хизмат кўрсатиш марказлари** ташкил этилади



туман даражасидаги давлат органларининг юридик хизмат ходимлари **адлия ходими** ҳисобланади



туман даражасидаги давлат органларининг юридик хизмат ходимларининг **ўртача ойлиги 3 баробар кўтарилади**



туман даражасидаги давлат органларининг барча ҳужжатлари Юридик хизмат кўрсатиш марказларида **экспертизадан ўтказилади**

Юридик хизмат кўрсатиш марказларида **экспертизадан ўтказилмаган** барча юридик ҳужжатлар ҳақиқий эмас ҳисобланади



туман даражасидаги давлат органлари барча ҳужжатларни **“E-huquqshunos” электрон тизими** орқали электрон тарзда қабул қилади



юридик хизмат ходимларининг **тўлиқ мустақиллиги** таъминланади



юридик хизмат ходимларини уларнинг **фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш** ҳолатлари бартараф этилади

**аҳоли ва ижрочиларга** қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш ва тушунтиришнинг янги бўғини яратилади

малакали ва ёш ҳуқуқшунослар ўртасида **ўзаро тажриба алмашиш тизими** йўлга қўйилиб, барча йўналишлардаги мураккаб ҳуқуқий муаммоларни коллегиял тарзда ечиш имконияти яратилади

давлат органлари ва ташкилотларида **бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиёти** шаклланади.